

МУСАЕВ Оман,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси катта ўқитувчиси

ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА МУНОЗАРАЛИ СУҲБАТ ДАВРАСИ

ДИСКУССИЯ В ИНОЯЗЫЧНОМ ОБРАЗОВАНИИ

DISCUSSION IN FOREIGN LANGUAGE EDUCATION

Аннотация. Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда инновацион методикалардан фойдаланиш самарали натижаларга эришишда заруриятга айланиб бормоқда. Чет тилини ўрганиш ва ўқитишнинг замонавий ёндашувлари мулоқот юритишга ўргатиш (коммуникатив ёндашув) ва нутқий вазиятга мос ҳаракат қилиш (фаолиятга йўналтирилган ёндашув)га асосланади. Мақолада араб тили таълимида талабалараро оғзаки нутқни ривожлантиришда қўлланиши мумкин бўлган “Суҳбат давралари” ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: жонли сўзлашув, кўникма, араб тили қоидалари, ўқиш, ёзиш, таржима, оғзаки нутқ, ўқитиш услуби, мунозарали суҳбат даврали.

Аннотация. Сегодня использование инновационных методик в преподавании иностранных языков становится необходимостью для достижения эффективных результатов. Современные подходы к изучению и преподаванию иностранного языка основаны на обучении общению (коммуникативный подход) и действиям в соответствии с речевой ситуацией (деятельностно-ориентированный подход). В статье рассказывается о возможных вариантах “Дискуссионных кружков” в обучении студентов к устной разговорной речи арабского языка.

Ключевые слова: беседа, навык, правила арабского языка, чтение, письмо, перевод, говорение, методы преподавания, дискуссионный кружок.

Annotation. Today, the use of innovative methods in teaching foreign languages is becoming a necessity to achieve effective results. Modern approaches to learning and teaching a foreign language are based on teaching communication (communicative approach) and actions in accordance with the speech situation (activity-oriented approach). The article describes the

possible options for «Discussion Circles» in teaching students to speak Arabic.

Keywords: conversation, skill, rules of the Arabic language, reading, writing, translation, speaking, teaching methods, discussion group.

КИРИШ

Араб тилини ўқитишда талабани жонли сўзлашувга ўргатиш энг долзарб масалалардан саналса-да, унинг савияси ҳозиргача қониқарли даража касб этмаяпти. Инглиз, форс ва бошқа тилда таҳсил олувчи талабалар биринчи ярим йилдаёқ ўрганаётган тилида гаплаша билиш кўникмаларига эга бўлганлари ҳолда, араб тилида таҳсил олувчи талабаларимиз юкори курсларда ҳам араб тилида гаплашишга қийналадилар. Ҳатто, олий ўқув юртини битирган, диплом олган мутахассиснинг жонли сўзлашувда етарли кўникмага эга бўлмаслиги ачинарли ҳолдир. Араб тили таълими дастури давр талаби асосида созлаб тузилиб борилаётганган бир вақтда, раҳбариятимиз барча моддий ва маънавий ғамхўрлик, ёрдам ва кўмак бериб турган бугунги шароитда, салафларимиз ҳатто орзу қилиб улгурмаган, лекин ҳозирда кўз кўриб, қулоқлар эшитиб турган, барча ёрдамчи воситалар билан таъминланиб турган бир пайтимизда - собиқ даврдан мерос бўлиб қолган мазкур қусурнинг бартараф қилинмай, амалиётимизда ҳануз сақланиб қолаётгани биз учун кечирилмас бир ҳолдир. Бу ҳол, шубҳасиз, махсус ўрганишни талаб қилади.

Ҳар қандай амалиёт натижаси қониқарли бўлмаса, сабабини унинг мақсад сари қанчалик тўғри йўналтирилганидан қидириш керак. Мазкур ҳолат, албатта, бесабаб эмас. Назаримизда унинг сабабини ўқитиш усулимиздан қидириш тўғрига ўхшайди: Ҳозирда араб тили ўқитишида, бир қатор камчиликлар учрайди. Улардан бири талабаларга араб тили қоидаларини ўргатиш, улардан тўғри ўқиш, тўғри ёзиш ва ёзма таржималарни талаб қилиш билан чекланишидир. Дарс бошидаги йўқлама ва доим қайтариловчи бир икки оғиз савол жавоб иборалари талабанинг оғзаки нутқи ривож учун, деярли ҳеч нарса бермайди. Ёзма тил амалиётида ютуқларни таъминлаган ўқитиш

услуги оғзаки тилни ҳам юксалтираверади, деб ўйлаш тўғри эмаслиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Талабага у ўрганаётган тил бўйича оғзаки тил малакасини бериш ва уни ривожлантириш учун, энг аввало, масалага янгича ёндашиш, бошқа бир назар нуқтаси (позиция), махсус дастур, махсус режа, ва энг асосийси, махсус услуб керак. Чунки, амалдаги анъанавий таълим усулимиз, асосан, ўқиш - ёзишга йўналтирилган бўлиб, унда жонли сўзлашув дарсининг асосий қисми деб эмас, нари борса, ёрдамчи таълим воситаси сифатида санаб келинди. Дарсда талаба олган билимни унинг кўникмасига айлантирувчи энг самарали восита - жонли сўзлашувдаги оғзаки машқлар тизими ва унинг вазифаси етарлича аҳамият касб этмади. Натижани эслаб ўтдик. Қуйида мазкур масалани ечиш йўлидаги уринишимиз самараларидан бири ҳукмингизга ҳавола этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мунозарали суҳбат даврасига тайёргарлик: оғзаки машқларнинг моҳияти, уларнинг мақсади ва турлари. Таълим амалиётида кўзланган мақсадга хизмат қилувчи ҳар қандай қулай восита ва омилни қўллаш ўринли ва асослидир. Аксинча, кам самарали, кишини кўзланган мақсаддан чалғитувчи ҳар қандай амалиётдан воз кеча билишимиз ҳам лозим. Араб тилини ўрганувчиларнинг оғзаки кўникмалари савиясини кўтариш учун дарслар ана шу мақсадга йўналтирилган бўлиши ва махсус ўқув услуги асосида ўтказилиши керак. Бу масалани ҳал қилишда, фикримизча, оғзаки машқларнинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки оғзаки машқлар ўз моҳиятига кўра ёзма машқлардан тубдан фарқ қилади: Ёзма машқларнинг кўплиги, албатта, кўникма ҳосил қилишда талабага ката ёрдам беради. Лекин ёзма машқ ҳар қанча кўп бўлмасин, талабанинг оғзаки нутқини ривожлантиришда унинг ҳиссаси камлик қилади. Сузишни ўрганиш учун қуруқликда қумда ҳар қанча машқ қилгани билан сувнинг ўзига тушганчалик бўлмаганидек, гапиришни ўрганиш учун ҳам, энг аввало, оғзаки нутқ – оғзаки машқ билан шуғулланиш, яъни гапириш керак. Зеро оғзаки машқларгина:

– талабага берилган жумлаларни шу заҳоти хотирада сақлашни ўргатишни;

– ўша жумлани ўзгартириб, янги шакл ва янги мазмун ҳосил қилишда суръат касб эттиришни;

– ёзма амалиётда учрайдиган ўзгачан кўчириб ўқиб бериш, сусткашлик каби бошқа салбий унсурларга чек қўйишни;

– талаба хоҳири ва зехнини жамлашни;

– унда ўзига ишонч уйғотишни;

– тил ўрганишдаги ўзининг нақд муваффақиятидан қувонч ҳис қилишига асос беришни кўзлайди.

Оғзаки машқлар мана шу дарсининг грамматика қисмида ҳозиргина ўрганиб бўлинган ёзма машқлар асосига қурилади. Оғзаки машқларнинг қайси хилини қўллашда ёзма машқнинг хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Ҳар бир машқ муайян мақсадни кўзланган бўлиши амалиёт унумлигини кафолатлайди. Шу каби қатор машқлардан муваффақиятли ўтган талабалардан тузилган гуруҳларда эндиликда бемалол ўрганилган мавзуларда суҳбат уюштириш мумкин бўлади деб ўйлаймиз. Дарсда талабалар бўлиниб, ҳосил бўлган гуруҳларда ўтказиладиган суҳбатни “Мунозарали суҳбат давраси – МСД” деб атадик. МСДда тезкор суҳбат орқали талаба учун зарур бўлган кўникмани унинг зехнида етарлича қарор топтириш назарда тутилади.

МСД аҳамияти. Мунозарали суҳбат давраси - МСД талабани мустақил ўз нуқтаи назарига ва ўз фикрига эга бўлишга ундайди, уларни ҳимоя қилишга ва асослай олишга ўргатади, ифода усуллари амалда қўллашга даъват қилади. МСД муҳокама қилинаётган мавзу бўйича талаба ўз шахсий фикрини араб тилида ифодалашда ўзгачан ўрганган жумласини автоматик тарзда қайтариши эмас, балки вазиятни тўғри тушуниб, ўйлаб ўз мушоҳадаси асосидаги мулоҳазасини ифодалашини кўзлайди. МСД талабани дискуссия олиб боришга ўргатади, гапда дипломатик воситаларни қўллаш ҳақида дастлабки маълумотлар билан ошно қилади. Унда талабадан ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўллари, тадбирини, чорасини қидирувчи изчил мутахасис тайёрлаш назарда тутилади.

МСДда оғзаки машқ турлари. Оғзаки машқларнинг ҳам бир неча турлари маълум.

Уларнинг баъзисини аввал, баъзисини кейин ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан:

1. Ўқиш машқи. Матнни ёки, тўғрироғи, жумлани ўқиш машқи уйда тайёрлаб келинган ёзма машқ таржимаси ва грамматик таҳлил ва тузатишдан сўнг, лекин савол – жавоб машкидан олдин бўлгани маъқул. Чунки ўқиш машқи ўзининг ичида яна бир неча хил ўқишни назарда тутди: тўғри талаффуз қилиш, сўз урғусини тўғри қўйиш, сўз бирикмаларини узмасдан ўқиш, паузал ўқиш қоидаларига риоя қилиш, жумладаги синтагматик бирликларни тўғри топиш, уларни бир-биридан узиб ўқиш, эга – кесим орасидаги оҳанг ўзгариши, автор гапи ва кўчирма гап оҳангидаги фарқни топиб ифодали ўқиш кабилар шулар жумласидандир. Ўқиш машқининг барча аввалги турларидан мақсад талабани ифодали ўқишга тайёрлашдир. Ифодали ўқишнинг асосий талабларидан бири берилган жумлани ўқиш учун бир нафасни етказиш, янги нафас олиш учун тўхтамаслик, синтагматик бирликларни пауза билан узганда янги нафас олмаслик каби талаблардир.

2. Ёддан қайтариб айтиш машқи [2]. Ўқишнинг аввалги тури – ифодали ўқишда талаба берилган жумлани дафтар ёки китобга қараб ўқиб бергандан сўнг, энди шу ўқиган жумласини ёзувга қарамай қайтариб айтиши талаб қилинади. Бу машқдан мақсад талабанинг хотирасини ўткирлашдир. Ўқилган жумлани қисқа муддатга бўлса-да хотирада сақлаши ва уни қайтариб айтиши учун талаба ўша жумлани, аввало, ёзувдан тушуниб равоқ ўқий олган бўлиши лозим бўлади.

3. Ўзгартиб айтиш машқи [4]. Ўзгартиб айтиш машқини бажариш учун талаба аввалги икки босқични ўтаган бўлиши бу турдаги машқни самарадор қилади. Чунки ёддан билган нарсасини ўзгартиб айтиш талаба учун энди унчалик қийинчилик туғдирмайди. Унинг олдида билган нарсасини қайси шаклга ўзгартириш масаласи қолади, холос. Бу эса математикадаги бир номаълумли тенгламадек гап. Эндиги масала берилган жумлани нимага ўзгартиришда. Бунинг учун берилган жумлани грамматик таҳлил қилинганидаги натижаларни назарда тутиш қўл келади. Масалан, агар берилган жумла:

а) бўлишли шаклда бўлса, шу жумланинг бўлишсиз шаклини ва, аксинча, бўлишсиз

шаклда бўлса, бўлишли шаклини сўраш мумкин;

б) ҳозирги замонда бўлса, шу жумланинг ўтган ёки келаси замони қай йўсинда айтилади деб сўраш мумкин;

в) шу жумла шу туришида қандай саволга жавоб бўлади, деб сўраш мумкин; мана шу саволнинг ўзини манфий (ёки ижобий) шаклдаги ифодасини қайтариб айтишни сўраш мумкин;

г) шу жумланинг ўзини бошқа шахсга нисбатан қўллашни;

д) бошқа грамматик сонда қўллашни;

е) бошқа грамматик жинсда қўллашни сўраш мумкин;

ж) шу жумла асосида ўзгаларга нисбатан истак хоҳишни ифодаловчи жумла ҳосил қилишни, яъни буйруқ – таъқиқ шакллари қўллаган ҳолда ундов гап тузиб ишлатишни сўраш мумкин;

з) айтилаётган жумлага нисбатан модалликни ифодаловчи кириш сўз ва кириш ибора ва кириш жумлаларни қўшиб фикрни ифода этишни ва бошқаларни сўраш мумкин бўлади.

МСДнинг дарс асносидаги ўрни. МСД дарсда уй вазифалари назорати амали бажарилгандан сўнг, янги дарс бошланишидан олдин, ўтилган дарсга якун сифатида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, одатда 5-8 минут давом этиши назарда тутилади. Луғат назорати каби МСД ҳам ҳар бир дарснинг ажралмас таркибий қисми ва доимийлик касб этган унсурига айланиши лозим.

МСД ижрочилари. МСД объекти сифатида 1 курсдан 4 курсгача барча бакалаврларга қўлланилиши мумкин. Муҳими ана шу дискуссияни – мунозарали суҳбатни талабанинг шу бугунги билими савиясига мос қилиб тузиш, уюштириш ва ўтказишда. Ҳамма гап МСД ташкилотчисиди. Яъни ўқитувчиди.

МСД мавзуси. Ҳар бир дарсда албатта жонли мулоқот, жонли сўзлашув бўлиши дарсни қизиқарли ва фойдали қилади. Бундай суҳбатларнинг мавзулари хилма-хил, турли туман бўлиши мумкин; масалан, саломлашувдан сўнг “марҳамат, ўтиринглар, бугун қандай кун? қайси сана? Вазифа нима эди? Нега кеч қолдинг? Ўтир! Тур! Ёз! Ўқи! Таржима қил! Айт! Қайтар! ” ва ҳоказо

кундалик доимий қайтариладиган мазмундаги арабча ибораларни талабалар албатта тушунишади, билишади жавоб ҳам беришади. Лекин “Нега? Нима сабабдан?” каби саволларга жавоб бериш одатда такрорланмайдиган - хос тушунчалар бўлгани сабабли уларга араб тилида жавоб беришга талаба қийналиши мумкин. Бундай ҳолда билмаган талаба билган талабадан ёрдам олиши керак бўлади. Агар ҳеч ким билмаса устоз ёрдамга келади [3]. Бу, албатта, кутилмаган ва айни пайтда номаълум мавзу ўларок талабалар томонидан янгитдан ўзлаштиришлари учун ҳавола этилади (зарур деб топилса, ёздириб ҳам қўйилади); шунинг учун уларнинг миқдори бир дарс¹ доирасида бир ёки икки жумладан ортмаслиги керак. Аввалги саволлар сираси гарчи осон эсада, деярли ҳар дарсда қайтарилгани сабабли қизиқ бўлмаслиги мумкин. Кейингиси эса, гарчи қизиқ эсада, нотаниш ва номаълум бўлгани сабабли қийин бўлиши мумкин. Талабалар билан суҳбат уюштириш учун суҳбат мавзуси, энг аввало, қизиқ ва осон бўлиши керак. Ҳар сафарги дарсдаги суҳбат учун ҳам қизиқ, ҳам осон мавзу учун ўқитувчи қаерга борсин? Нима қилсин? Бунинг учун ўқитувчи ихтиро қилиши шарт эмас, суҳбат уюштириш йўсинини билса бўлди. Бунинг учун бугун ўрганилган машқдан исталган жумлани танлаши мумкин: масалан, “Столнинг устида китоб бор” деган жумла бўлсин. Бу жумла юзасидан қандай суҳбат тузиш мумкин? Қанақа мунозара уюштириш мумкин?! Бунинг учун, энг аввало, суҳбат ва мунозара хилқатини эътиборга олиш лозим бўлади.

¹ Одатда бундай гаплар дарс режасидан ташқари мавзу бўлгани сабабли бир ёки икки марта қўлланилади, қайта такрорланиши эҳтимолдан узоқ бўлади ва бундай амал деярли беҳуда кетади. **Дарс** конференция ёки сўнгги ахборот эмас, унда ҳамма нарсаси янгилик асосига қурилмайди. Дарсда шу сафар учун мўлжаллаган янги мавзудаги **муаммони ечиш услуби** талабага маълум тушунчалар орқали атрофлича тушунтирилади, турли йўл-йўриқлар ва машқлар орқали унинг зеҳнига сингдирилади. Шунингдек, **дарслик** ҳам соддадан мураккабга, осондан қийин томон секин- аста тадрижийлик асосида ривожланиб бориши ҳамда муайян мақсадларга йўналтирилган қатор машқларга эга экани билан илмий китобдан фарқ қилади. Демак, ҳар бир нарсанинг қадри ўзи мўлжалланган мақсадга мувофиқлиги билан ўлчанади, акс ҳолда у ўзligидан чиқади, ўзligини йўқотади.

МСД мазмуни. Маълумки, суҳбат² учун энг камида икки ёки ундан кўпроқ суҳбатдош иштирокчининг мавжуд бўлиши тақозо этилади. Гуруҳда эса суҳбатдошлар миқдори етарлича топилади. Мунозара учун эса бир биридан фарқ қилувчи энг камида икки ёки ундан кўп нуқтаи назар бўлиши талаб қилинади. Бир жамоада неча киши бўлса шунча нуқтаи назар бўлиши мумкин. Улар муҳокама учун ўртага ташланган фикрни тасдиқлайди ёки инкор қилади. мас: “Ҳа, стол устида китоб бор!” (тўла тасдиқ); “Стол устида китоб йўқ” (тўла инкор). Нуқтаи назарларнинг замонда фарқ қилиши эса бу фарқни янада турфа қилади: қисман тасдиқлаб, қисман инкор қилиши мумкин, масалан: “Стол устида китоб бор эди” (қисман тасдиқ, қисман инкор, яъни ўтган замон учун тасдиқ ва ҳозирги замон учун эса инкор); “Стол устида китоб йўқ эди” (қисман тасдиқнинг инкори); “Стол устида китоб бўлади” (келаси замон учун тасдиқ); “Стол устида китоб бўлмайди” (келаси замон учун инкор) ва ҳоказо каби тарзларда зуҳур қилиши мумкин. Шуни назарда тутиш лозимки, фикрни айнан қайтарган тўла тасдиғи – эътирофидан бошқа барча вариантлар эътирозлар бўлиб, улар ўзининг тасдиқ ёки инкор шаклидан қатъи назар, баён қилинган фикр тезисини тўла ёки қисман, у ёки бу тарзда инкор этади: масалан, “Стол устида китоб бор эди (ҳозир йўқ)” [5].

Юқорида эсланган тартибдаги мунозарали суҳбат тарзига, фикримизча, ҳар қандай жумлани тортиш мумкин. Танланган жумланинг

² (Суҳбатдош бўлиш учун гапирувчини тинглашгина камлик қилади. Гапирувчини фақат эшитиб қолаверган шахсни тингловчи деймиз. Масалан, радиога қулоқ солган киши тингловчи бўлади. Лекин у, одатда, гапирувчи - диктор билан суҳбат курмайди. Бундай мулоқотда информация оқими фақат бир томонга - гапирувчидан тингловчи томонигагина йўналган бўлади. Тингловчининг эшитган фикрга нисбатан реакцияси гапирувчига етиб бормайди. Чунки, бундай амалда иккитомонлама алоқа ўрнатилмаган бўлади. Тингловчи суҳбатдошга айланиши учун айнан ана шу иккитомонлама алоқага киришиши лозим бўлади. Тингловчи эшитган гапдан олган фикрга нисбатан ўзида уйғонган фикрни, яъни ўз мулоҳазасини гапирувчига етказиши лозим бўлади. 1- гапирувчи, яъни 1- суҳбатдош ҳам энди унинг фикрини эшитиб, суҳбат йўналишини олдин ўзи ўйлаб қўйган тарзда давом эттиравермайди, балки кейинги ситуация - ҳолатни ҳисобга олган ҳолда суҳбат йўналишини сошлаб, ўз сўзини давом эттиради. Шу тариқа давом этган фикр алмашинуви суҳбат деймиз).

мазмунидан келиб чиқиб, нафақат замонлар бўйича, балки шахслар, сонлар, жинслар бўйича ўзгартириб, турлича вариантлар ҳосил қилиш мумкин. Бунда, албатта, талабага ўтилган дарс савиясидан келиб чиқилади. Амалий дарсларимизда МСДнинг жорий қилиниши эса дарсликларимизда ёддан кўтарилган ёки эсга олинмаган қисмини тўлдиришга имкон беради, деб ўйлаймиз. Талабаларни бундай машқларга жалб қилиш уларни ижодий фикрлашга ва араб тилида гапиришга мажбур қилади. Бундан ташқари ҳар бир дарсда муайян фикрни ифодаловчи бир - икки жумлага ана шундай тарзда ишлов бериб бориш натижасида талабалар а) эшитиб қабул қилинган фикрга нисбатан муайян реакцияга киришиш; б) муайян позиция тутиш; в) унга нисбатан ўз фикрига эга бўлиш; г) энг асосийси – ўз фикрини ифодалай олиш ва уни ҳимоя қила билиш кўникмаларига эга бўладилар.

МСДда нуқтаи назарлар. Дарсда МСД ташкил қилиш учун, энг аввало, МСД учун бир жумла танланиши керак. Сўнгра шу жумлада ифодаланаётган фикр тасдиқланаётгани ёки инкор этилаётганини аниқлаш керак. Агар мазкур жумладаги фикр тасдиқланаётган бўлса, шу фикрнинг инкори қандай бўлади?, ва аксинча фикр инкор этилаётган бўлса, тасдиғи қандай бўлади? – деган савол қўйиш керак бўлади (жумла сони 2 тага етди); шу жумлалар ҳозирги замонда бўлса уларнинг ўтган ва келаси замонлари қандай ифодаланади? ($2 \times 3 = 6$ та жумла бўлди); Демак, ифода этилган ҳар қандай жумланинг ўз замонидаги эътирофидан ташқари яна бошқа икки замондаги эътирозли вариантлари ва улар учаласининг инкори сифатидаги яна уч вариантыни ҳар доим хотирада тиклаш мумкин. МСД уюштириш учун эса мазкур вариантларни тиклаш лозимгина эмас, балки лобуддир ҳам. Демак, мазкур олти шаклдан биттаси берилган сифатида қабул қилинади ва бошқа бештаси талабалар томонидан оғзаки мустақил синф иши сифатида дарҳол ўртага ташланиши талаб қилинади. МСДнинг асосий талаби шундан иборат. Лекин, уни турли усул ва йўсинлар билан бойитиш МСДни мазмунли ва мароқли қилади, албатта. Масалан, дейлик берилган фикр бирлик сондаги тушунча тўғрисида бўлса, унинг иккилик ва кўплик вариантлари қандай бўлар эди? ($6 \times 3 = 18$); мазкур гаплар

музаккар ҳақида бўлса, уларнинг муаннас шакли қандай ва, аксинча, муаннас ҳақида бўлса уларнинг музаккар шакли қандай бўлади? ($18 \times 2 = 36$); ва агар шу жумла 3 – шахс ҳақида бўлса, унинг биринчи ва иккинчи шахс (бирлик, иккилик, кўплик, музаккар, муаннас) лари билан бўлса қандай бўлар эди?, - деган саволга жавоб олинса ($36 \times 3 = 108$). Маълум бўладикки, ҳар бир жумладан ҳосил қилиниши мумкин бўлган жумлалар сонини 108 тагача етказиш мумкин экан. Демак, эълон қилинган жумланинг ортида ҳали айтилмаган, лекин айтилиши мумкин бўлган яна 107 хил варианты бор экан. Мазкур вариантларнинг пайдо бўлиши гап субъектининг ўзгариши ҳисобига амалга ошади. Муайян субъектга нисбатан эса ифода этилган фикрнинг ўзи ифодаланганидан бошқа яна икки замони ва уларнинг акси (оппозицияси) сифатидаги уч инкор шакли - жами олти хил вариантга бориб тақалади. Улардан бири берилган, қолган бештаси эса гўё “соя”да туради. Рўёбга чиқмаган (потенциал) мана шу имкониятни талабалар, аввало, энг содда жумлалар мисолида ишлаб чиқсалар ва етарли малакага эга бўлсалар, аста секин ушбу кўникмаларини ҳар қандай жумлага нисбатан адашмай қўллашлари мумкин бўлади, деб ўйлаймиз. Назаримизда, мана шу тартибдаги машғулотларни маромига етказган талаба олдида равон гаплашиш учун номаълум сўз ва ибораларни ёдлашдан ўзга муаммо қолмаса керак.

МСД шакллари ва уни ташкил этиш усуллари. Мазкур шакл ва тарзларда суҳбат қуришда эътирофли ва эътирозли мунозара даврасини уюштириш учун чет тили (масалан, араб тили) гуруҳлари жуда муносиб. Масалан, юқорида келтирилган жумла мисолидаги суҳбат учун жамоа, аввало, икки қисмга бўлинади:

А. Суҳбатни бошловчи томон: одатда ўқитувчи ёки талабалардан бири бўлиб, у ўз шериклари билан бир гуруҳни ташкил қилади ва ўртага ташланаётган мавзу ҳақида ўз оппонентлари - суҳбатга чорланувчиларнинг қандай фикрда эканини сўрайди. Бу гуруҳнинг вазифаси - китобдан олинган жумлани жамоага ўқиб эшиттриш, мазкур жумладан сўроқ гап ясаб, жамоадан ҳар бири ўз фикрларини баён қилишларини сўраш (Масалан, китобда: “Бу шундай”, дейилган. Бу шундайми?! Нима дейсиз?каби). Бир вақтнинг ўзида ҳар бир нуқтаи

назар эгаларининг- гуруҳ ичра гуруҳчаларнинг МСД даги иштирокини баҳолаб ҳам боради.

Б. Суҳбатга чорланувчилар. Одатда булар гуруҳдаги талабаларнинг асосий қисми. Ўз навбатида булар ҳам иккига бўлинадилар:

Б.1. бўлишли шакл ижрочилари (тасдиқловчи қисм);

Б.2. бўлишсиз шакл ижрочилари (инкор этувчилар қисми). Сўнгра ҳар бир қисм яна уч гуруҳга бўлинади (замонлар бўйича):

Б.1.1. ўтган замон бўйича тасдиқловчи(лар);

Б.1.2. ҳозирги замон бўйича тасдиқловчи(лар);

Б.1.3. келаси замонлар бўйича тасдиқловчи(лар) –3 та ва

Б.2.1. ўтган замон бўйича инкор этувчи(лар);

Б.2.2. ҳозирги замон бўйича инкор этувчи(лар);

Б.2.3. келаси замонлар бўйича инкор этувчи(лар), (А,Б) –жами 7 киши, яъни 7 гуруҳ бўлади.

Бундай бўлинишда ҳар бир талаба бир нуқтаи назарни ифодалайди. Гуруҳда 7 дан ортиқ талаба бўлса у ёки бу гуруҳга қўшилиши мумкин, ёки ўқитувчи билан бирга назоратчилар гуруҳини ташкил қилиши ҳам мумкин. Ҳар ким ўз вазифасини аниқ билиши ва адаштирмаслиги учун ҳар бир талаба қўлига картондан ясаб олдиндан тайёрлаб қўйилган ва нуқтаи назарни ифодаловчи махсус белгига эга бўлган тахтача берилади. Бир жумлани ишлаб бўлиб, бошқасига ўтилишидан олдин, тахтачалар йиғиб олинади ва аралаштириб бошқатдан тарқатилади. Иложи борица ҳар бир талаба бир нуқтаи назарни тутиши маъқул. (Картон тахтача, махсус белги ва бошқа шартли ва шартсиз белгилар намуна сифатида келтирилди; айнан шундай бўлиши асло шарт эмас; у МСД ташкилотчиси - тадбиркор муаллим хоҳиши ва иктидорига кўра бошқача бўлиши ҳам ва, умуман, бўлмаслиги ҳам мумкин). Муҳими, ўрганилаётган мавзунини талаба зеҳнига сингдиришда қўлланилувчи турлича усул ва йўллар билан такрорловчи воситалар: гуруҳларга бўлиниш, турлича нуқтаи назарларга эга бўлиш, ўзгача фикрларни ифодалаш каби тадбирлар МСДнинг кўзлаган пировад мақсади - талабада кўникма ҳосил қилишга хизмат қилса, муродга етказса бўлгани. Бу тадбирларнинг бари, аслида, талабанинг кўнглига тегмаслигини таъминлаш, уни қизиқтириш, фаоллаштириш, унинг тасаввури

олдида ҳаётий ситуация-ҳолатларни тузиш орқали талабага кўникма бериш, уни келажакда тезроқ малакали мутахассис бўлишига йўналиш бериш учун бир уриниш, холос.

МСД ўтказиш намунаси. Дастлабки босқич. МСД учун намуна сифатида исталган дарсликнинг исталган машини олишимиз мумкин. Масалан, 13 та ўзбек тилидаги жумлани араб тилига таржима қилиш талаб қилинган. Масалан, унинг 1 жумласи: “Учинчи қаватда катта зал бор”. Бу жумлаларни талаба уйда таржима қилиб (ёки ўртоғидан кўчириб) дафтарига ёзиб келади ва гали келса ўқийди. Бошқа шериги ўқиса ё кулоқ солади ёки йўқ. Ўтироф этишимиз керакки, одатдаги дарсларимизда талабанинг яхши ўзлаштирганининг кўрсаткичи сифатида унинг дафтаридаги таржимаси тўғри бўлиши ва уни тўғри ўқиб беришига кўникиб қолганмиз. Китоьда талаб этилган жумлалар таржимасидан сўнг тўғрилигига ишонч ҳосил қилинган, дарсда МСД ўтказиш учун машқдаги жумлалардан бирини масалан, мазкур жумлани олайлик. Ундаги фикрни, бир томондан, бошқа замонларда ифода этишимиз керак; шунингдек уларни рад ҳам этишимиз ҳам керак, яъни талабалардан қуйидаги вариантларни сўралгани ҳамон ижод этиб айтишлари талаб қилинади: 1. “Ҳа, учинчи қаватда катта зал бор!” 2. “Йўқ, учинчи қаватда катта зал йўқ!” 3. “Учинчи қаватда катта зал бор эди”. 4. “Учинчи қаватда катта зал йўқ эди”. 5. “Учинчи қаватда катта зал бўлади”. 6. “Учинчи қаватда катта зал бўлмайди”-каби вариантларни яна бошқа бир ёки шароитга кўра бир неча жумлани мунозарали суҳбат тасарруфига киритиш мумкин. Бир жумлага нисбатан мазкур олти вариантни ҳосил қилишга талабанинг энди дафтардан ўқиб бериш имкони йўқ, бунинг учун у оз бўлса-да бош қотириши керак бўлади, унинг ҳақида ўйлаши, уни араб тилида сўйлаши – сўзлаши лозим бўлади [1:92].

Иккинчи босқич. Ифодаланаётган фикрнинг ўз замонидан бошқа яна икки замондаги вариантларининг бўлиши ҳамда булар учаласининг аксил ифодаси (ижобий-салбий; салбий- ижобий) шаклларнинг бўлиши мумкинлиги талабалар зеҳнида яхшилаб ўрнашган, энди гапнинг ифода планига сайқал бериш, яъни уни ҳаётий сифатларга эга қилиш лозим бўлади. Бу эса МСД ўтказишни янада

завкли қилади. Масалан, юқоридаги мисолга қайтсак, ”Ҳа, учинчи қаватда катта зал бор” ўрнига: ”Ҳа, ҳақиқатан учинчи қаватда катта зал бор”, ”Ҳа, менимча учинчи қаватда катта зал бор”, ”Ҳа, учинчи қаватда катта зал борга ўхшайди”, ”Ҳа, учинчи қаватда катта зал бордек кўринади”, ”Ҳа, учинчи қаватда катта зал бор шекилли”, ”Ҳа, учинчи қаватда катта зал бор деса ҳам бўлади”, ”Ҳа, бизда бор маълумотларга қараганда, учинчи қаватда катта зал бор”, ”Ҳа, қасамки, учинчи қаватда катта зал бор!” каби кириш сўз ва кириш ибораларни кўшишни назарда тутамиз; бу воситалар орқали гапирувчининг айтаётган гапига ўз муносабати-модаллик ифодаланади; бу воситалар ёрдамида гапдаги тон ва категориаллик юмшайди, гап мақсадга мувофиқ қиёфа ва дипломатик жилва, яъни янги сифат касб этади. Гапнинг ифода плани сайқали деганимизда ана шу каби воситаларни назарда тутамиз. Фикримизча, бундай ибораларнинг бир неча дастаси билан ”қуролланган” талаба ифодаляётган фикр тарзи энди шу фикрни ростакамига айтаётган мутахасис фикридан кам фарқ қилади.

МСДда баҳолаш. Назоратчилар гуруҳи эса ҳар бир гуруҳни (яъни ҳар бир талабани) ўз вақтида тўғри ёки нотўғри жавоб берганлигини қайд этиб, ўрнида баҳосини эълон қилади. Талабанинг кундалик жорий баҳоси тизимида МСД учун қанча ҳисса ажратиш ихтиёри, албатта, ўқитувчида.

ХУЛОСА

Юқорида васф қилинган кўникмаларга эга бўлиш эса ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларини ечишда яқка ўзи қарор қабул қилиши лозим бўлган янги мутахасис учун жуда ҳам зарур ҳислат деб ўйлашимиз. МСД ҳақидаги ушбу рисоламизни ўқув юртимиз тайёрляётган мутахасисларга ана шундай сифат бериш йўлида қилинган дастлабки бир кадам сифатида қабул қилинишини истардик. Ушбу тажриба бошқа тилларни ўқитишда ҳам қўл келади, деб ўйлашимиз. ”Ақлий ҳужум”, ”Блиц”, ”Чархпалак”... каби қатор интерактив усул ва воситалар билан бир қаторда МСД услуби ҳам таълим соҳасидаги Янги педтехнологиядан жой олади, деб умид қиламиз [13].

АДАБИЁТЛАР

1. Абдужабборов А. Араб тили дарслиги. – Т.: ТИУ, 2007. – 260 б.
2. Бордовская Н.В. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – М., 2011. – 432 с.
3. Мусаев О. Чет тили таълимида мунозарали суҳбат давраси – МСД (Араб тили таълимида янги педтехнологик услуб намунаси – оғзаки машқлар тизими). Назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда илғор педагогик услублардан фойдаланиш (Илмий-услубий материаллар тўплами). – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 100-110.
4. Мухамедов Ў.Х. Таълимни ташкил этишда замонвий интерфаол методлар: Ўқув-услубий тавсиялар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 45 б.
5. Панина Т.С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения. Учебное пособие. – М., 2008. – 176 с.
6. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение: учебное пособие. – М., 2009. – 192 с.
7. Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Ҳ., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланиши. Методик қўлланма. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 б.
8. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения в высшей школе. Учебно-методическое пособие. – Саратов, 2009. – 52 с.
9. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология асослари // Мактаб ва ҳаёт. – Т., 2003. – 32 б.
10. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқи. – Т.: Фан, 2006. – 260 б.
11. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: Назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.
12. Avila H.A., 2015. Creativity in the English class: Activities to promote EFL learning. HOW, 22 (2), 91-103.
13. English Teaching Forum. Volume No 1, 2011.
14. Knapen Ruben, 2018. 20 Interactive teaching activities in interactive classroom.
15. The Internet TESL Journal, Vol. V. No 5. May, 1999. <http://iteslj.org/>